

АҚШда 10 йил ичида масжидлар сони қарийб уч баробарга кўпайган



15:10 / 14.06.2021 1450

Қўшма Штатларда мамлакатдаги муслмонлар жамиятининг ривожланишига оидинлик киритган янги тадқиқот нашр этилди.

Ижтимоий сиёсат институти, Шимолий Америка Ислом жамияти ва Муслмонлар хайрия маркази томонидан олиб борилган янги тадқиқот «Америка масжиди 2020 - ўсиш ва ривожланиш» деб номланди.

Масжидларни кенг миқёсда статистик ўрганиш ўнлаб штатларни қамраб олди. Ҳисоботда нафақат мутахассислар масжидлар сонининг, зиёратининг кўпайиши, шу билан бирга масжидларга расмийлар ва маҳаллий аҳолининг қаршиликлари кучайганлиги таъкидланмоқда.

АҚШда 2010 йилда 2106 та масжидлар бўлган. Бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 2769 тага етган, яъни бу 31,5 фоизга ўсган. Бу ҳақда Islamnews хабар беради. Масжидда жума кундаги ўртача зиёратлар сони 353 кишини ташкил қилмоқда, яъни 10 йил олдинги кўрсаткичдан 16% кўпроқ. Шунингдек, масжидларда жума намозига қатнашувчилар сони 10 фоиздан ошгани қайд этилган.

Тадқиқотчилар шунингдек, масжидларнинг йирик шаҳар атрофидан қишлоқ жойларига кўчиш тенденциясини пайқашган. Қишлоқ жойларида ер топиш ва масжид қуриш учун расмийлардан рухсат олиш осонроқ кечади.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси